



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№24 (977)

2026 йил 7 апрель, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Темурийлар
салтанати
қудратининг
дизайндаги
ифодаси



4



“Яшил макон” – келажак учун тоза муҳит

Бухорода “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.



Давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимизда кенг қўламли кўчат экиш ишлари ўтказилмоқда.

Бухоро вилоятида ушбу хайрли ташаббус Бухоро туманидаги “Ҳонобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида, халқаро аҳамиятга эга “М-37” автомобиль йўли бўйида ажратилган 5 гектар

майдонда ташкил қилинди. Тадбирда вилоят ҳоқими Ботир Зарипов бошчилигида мутасадди раҳбарлар, Олий Мажлис депутатлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда маҳалла фаоллари фаол иштирок этди.

Таъкидланганидек, лойиҳа 2021 йил кузидан бошлаб амалга ошириб келинмоқда. Шу вақтга қадар Бухоро вилоятида 65 миллионга яқин дарaxт ва бута кўчатлари экилиб, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлимни юмшатиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Шунингдек, шаҳар ва туманларда 25 та ҳудудда 28,7 гектар майдонда “яшил боғ”лар ташкил этилди ва уларда 10 мингдан ортиқ манзарали дарaxтлар парваришланмоқда.



Аҳоли учун қулай дам олиш масканларини яратиш мақсадида Бухоро шаҳрига туташ Богидашт маҳалласи ҳудудида 43 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилмоқда. Бу ерда 20 минг тулдан зиёд дарaxт ва бута кўчатлари экилиб, замонавий яшил ҳудуд шакллантирилмоқда.

Бундан ташқари, Бухоро, Когон ва Қоровулбозор туманларидан ўтувчи “А-380” халқаро автомобиль йўли бўйлаб 30 километр масофада “яшил белбоғ”лар ташкил этилди. Уларда 5 қатордан 10 қаторгача дарaxт ва бута кўчатлари



экилиб, Корея тажрибаси асосида замонавий суғориш тизими жорий қилингани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Лойиҳа доирасида “Менинг боғим” дастури ҳам амалга оширилмоқда. Унга кўра, ҳар йили вилоятнинг барча 13 та шаҳар ва туманида камида 0,5 гектар майдонда янги “яшил боғ”лар барпо этиш режалаштирилган. Бу ташаббус аҳоли ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамламоқда.

Ҳонободда ўтказилган навбатдаги умумхалқ ҳашири давомида 5 гектар майдонга турли хил

манзарали дарaxт кўчатлари экиб чиқилди. Жумладан, 300 туپ қайрағоч ва садақайрағоч, 200 туپ каталпа ва тут, 100 туپ шумтол ҳамда япон сафораси каби кўчатлар маҳаллий иқлим шароитига мос ҳолда ўтказилди, деб хабар қилади ЎЗА муҳбири Зариф Комилов.

Бундай кенг қўламли ишлар нафақат табиати асраш, балки келажак авлод учун соғлом ва мусоффо муҳит яратишга хизмат қилади. “Яшил макон” лойиҳаси эса юртимизни янада обод ва кўркам масканга айлантириш йўлида муҳим қадам бўлиб қолмоқда.



▲ Ангренда иссиқ сув муаммоси ҳал этилди.



Ангренда иссиқ сув муаммосига ечим топилди

Ангрен шаҳри аҳолиси учун узоқ йиллар давомида жуда долзарб бўлган муаммо – ёз мавсумида иссиқ сув таъминотининг йўқлиги масаласи ниҳоят ўз ечимини топиш арафасида.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Илгари иситиш мавсуми яқунланиши билан бирга иссиқ сув ҳам узилди, аҳоли кундалик эҳтиёжларини қондириш учун турли ноқулай ва қўшимча усулларга мурожаат қилишга мажбур эди. Бу эса, вақт, меҳнат ва ортиқча харажатларни талаб қиларди. Жорий йилдан бошлаб, кўп қаватли уйларнинг ёз ойларида ҳам марказлашган тарзда иссиқ сув билан таъминланиши режалаштирилмоқда.

Бу янгилик фақатгина аҳоли учун маиший қулайлик яратиш билан чекланиб қолмай, балки коммунал соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг амалий натижаси сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур ташаббус шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш, хизматлар сифатини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кенг қамровли сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Барқарор таъминот сари қадам

Маълумки, Ангрен шаҳрида 2000 йилдан буён иссиқлик таъминоти фақат қиш мавсуми билан чекланиб келган. Иситиш мавсуми яқунланиши билан иссиқ сув узилди, аҳоли яна қиш ни кутишга мажбур бўларди. Бу эса, турли ноқулайликларни, жумладан, электр чойнақларда сув иситиш ёки икки контурли қозонлардан фойдаланиш ҳолатларини келтириб чиқарган.

Натижада нафақат вақт, балки молиявий ресурслар ҳам ортиқча сарфланган.

– Бу ҳақиқатдан ҳам қувончли янгилик бўлди. – деди ушбу маҳаллада яшовчи Хусниддин Турсунов. – Чунки шу пайтгача аҳоли ёз мавсумида иссиқ сув муаммосини ҳар ким ўз имконияти доирасида ҳал қилиб келаётган эди. Масалан, кимдир иссиқ сув учун аристондан фойдаланса, яна кимдир электр чойнақларда сув қайнатишга мажбур бўларди. Бу эса, нафақат ортиқча оворагарчилик, балки электр энергияси сарфининг сезиларли даражада ошишига ҳам олиб келарди. Бироқ, сўнгги 3-4 йил ичда иссиқлик таъминоти тизимида ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, қишги мавсумда марказлашган иситиш тизимлари орқали уйларга етарли даражада иссиқлик берилиб, хоналарда қулай ҳарорат таъминланмоқда. Бу эса, соҳада олиб борилаётган ишлар самара бераётганини кўрсатади. Агар мазкур ижобий тенденция ёз мавсумида ҳам давом эттирилиб, аҳоли марказлашган тарзда иссиқ сув билан таъминланса, бу нафақат маиший қулайликни оширади, балки аҳоли ресурсларини тежаш, ортиқча харажатларни камайтириш ва умумий энергия самардорлигини таъминлашда ҳам муҳим омилга айланади.

2026 йилда ишлаб чиқилган махсус дастурга мувофиқ, энди аҳолини ёз фаслида ҳам иссиқ сув билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бу ташаббус Ангрен шаҳар “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ, “Иссиқлик таъминоти” АЖ ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида амалга ошириляпти.

Бугунги кунда корхона балансида жами 114 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари мавжуд бўлиб, улар орқали 695 та кўп қаватли уй ва 89 та бюджет ташкилотига хизмат кўрсатилади. Диаметри 50 мм дан 1000 мм гача бўлган ушбу тармоқларнинг техник ҳолатини текшириш ва модернизация қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Замонавий кураш маркази фойдаланишга топширилди

Наманган шаҳрида миллий спорт тури – курашни ривожлантириш йўлида муҳим воқеа юз берди. “Баркамол авлод” спорт мажмуаси ҳудудида замонавий Кураш маркази фойдаланишга топширилди.

Янги иншоот барча замонавий талабларга жавоб беради. Унда спортчилар учун қулай шароитлар яратилган бўлиб, машғулот заллари барпо этилди, мавжуд бинолар капитал таъмирланди ва муҳандислик тармоқлари янгиланди.

Марказ бир вақтнинг ўзида қарийб 100 нафар спортчини қамраб олиш имконига эга. Дайни пайтда вилоятда 3 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз кураш билан мунтазам шугулланмоқда.

Кайд этилишича, янги марказ нафақат машғулотлар ўтказиш, балки йирик мусобақаларга мезбонлик қилиш имкониятига ҳам эга.

Шу муносабат билан “Баркамол авлод” спорт

мажмуасида миллий кураш ва эркин кураш буйича катталар ва ёшлар ўртасида “Прокурор кубоғи” мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада 150 нафардан зиёд олий таълим муассасалари спортчилари иштирок этиб, миллий кураш буйича 5 та, эркин кураш буйича эса 6 та вазн тоифасида беллашди. Баҳслар давомида иштирокчилар ўз маҳорати, кучи ва чаққонлигини намоён этди. Айниқса, финал учрашувлари юқори рақобат ва кескин курашларга бой бўлди.

Мазкур мусобақа спортчилар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, миллий ва эркин кураш турларини кенг тарғиб этиш ҳамда ёшлар орасида спортга бўлган қизиқишни оширишга хизмат қилди.

Маросимда вилоят прокурори Умирбек Мадрахимов, шаҳар ҳоқими Аюбхон Камолов ҳамда мутасадди раҳбарлар иштирок этиб, спортни ривожлантириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишининг аҳамиятини таъкидлади.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорлар диплом, медал ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



▲ Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



2

2

Жараён

Ангренда иссиқ сув муаммосига ечим топилди

➔ 1

Мустаҳкамлик синови – тизим ишончининг кафолати

Ангренда жорий йилнинг 30 мартдан 15 апрелга қадар магистрал иссиқлик тармоқлари босим остида синовдан ўтказилмоқда. Жумладан, 1 апрелдан бошлаб диаметри 1000 мм дан 350 мм гача бўлган қувурлар текширувдан ўтказилди. Синов жараёнида қувурлар ишчи босимдан 1,25 баробар юқори босимда текширилиб, 10 дақиқа давомида 8,2 кгс/см² босимга чидамлилиги баҳоланди.

Албатта, айрим техник носозликлар ҳам кузатилади. Масалан, ТК 1-9 ва ТК 1-10 ораллиғида диаметри 700 мм бўлган қайтма қувурда тешилиш ҳолати қайд этилди. Бироқ бу ҳолат тизимдаги муаммоларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда. Мобил навбатчи бригадалар, диспетчерлик хизмати ва техник захиралар мавжудлиги эса авариявий ҳолатларни тезкор бартараф этиш имконини яратмоқда.

Иқтисодий ва ижтимоий самара

Янги дастурнинг аҳамияти фақат маиший қулайлик билан чекланмайди. Биринчидан, аҳоли учун ортиқча харажатлар қисқаради. Иккинчидан, электр энергияси ва газ ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти ошади. Учинчидан, марказлашган тизим орқали хизмат кўрсатиш сифат жиҳатидан барқарор ва хавфсиз бўлади.

Бу жараённи давлат сиёсатидаги ижтимоий йўналишнинг амалий ифодаси сифатида баҳолаш мумкин. Чунки коммунал хизматларни модернизация қилиш – бу фақат инфратузилмани янгилаш эмас, балки аҳолининг турмуш дара-



жасини оширишга қаратилган стратегик ёндашувдир.

Ангрен шаҳрида ёз мавсумида иссиқ сув таъминоти йўлга қўйилиши бу маҳаллий аҳамиятга эга бўлган янгиликдек туюлиши мумкин. Аммо унинг ортида катта тизимли ўзгаришлар режалаштириш ва инфратузилмани ислохотлар ётганини инкор этиб бўлмайди.

Энг муҳими, бу ташаббус аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий шартномани янада кучайтиришга хизмат қилади. Агар бу тажриба муваффақиятли амалга оширилса, у бошқа шаҳарлар учун ҳам намунавий моделга айланиши эҳтимолдан холи эмас.



Самарқандда реновация ва инфратузилма лойиҳалари

Самарқанд шаҳрининг Нурли йўл маҳалласида реновация лойиҳалари юзасидан тадбир ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Наврўз Раҳмонов, шаҳар ҳокими Фазлиддин Умаров, тегишли ташкилотлар вакиллари, маҳалла нуронийлари, фаоллар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбир давомида ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилган реновация лойиҳалари юзасидан батафсил маълумотлар тақдим этилиб, уларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Эзгу ниятлар билан Қуръон тиловат қилиниб, хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Шундан сўнг, вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишли мутасаддилар ҳамроҳлигида Темирийўл орти ҳудудида олиб борилаётган реновация ишлари билан танишди. Учрашувлар давомида ҳудуддаги ҳар қандай ўзгаришлар,

енг аввало, фуқароларнинг розилиги ва фаол иштироки асосида амалга оширилиши зарурлиги қайд этилди. Қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар қўздан кечирилиб, қурилиш жараёнларида сифат, муддат ва техник талабларнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди. Шу билан бирга, реновация жараёнида аҳолининг манфаатлари устуворлиги таъминланиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Абу-Даби тараққиёт жамғармаси иштирокида амалга оширилаётган инфратузилма объектларида олиб борилаётган ишлар ҳам ўрганилди. Залиния ҳудудида Сиёб канали устидан ўтувчи кўприк ва М-37 автомобил йўлига янги йўл қуриш, Гагарин кўчасининг ушбу йўл билан боғланиш қисми, Қорасув массивидаги ички йўллар ҳамда Пайариқ туманидаги Имом Ал-Бухорий мажмуаси атрофидаги йўлларни таъмирлаш ишлари кўздан кечирилди. Темирийўл устидан ўтувчи кўприк қурилиши жараёни ҳам ўрганилиб, қурилиш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда якунлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Қурилиши якуний босқичга этган автошоҳ-

бекат ҳам қўздан кечирилиб, уни қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш бўйича тавсиялар билдирилди. Мазкур объект аҳоли учун транспорт хизматлари сифатини ошириш, йўловчилар оқимини тартибга солиш ҳамда тирбандликларни камайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Шу билан бирга, М-37 "Самарқанд – Бухоро – Туркманбоши" автомобил йўлининг 6-километр қисмида жойлашган кўприк остидан қайрилиб олиш объектида асфальт қопламасини ётқизиш ишлари учун олиб борилаётган тайёрларик жараёнлари ўрганилди. Мазкур ҳудудда 700 метр масофага асфальт қопламаси ётқизилиши режалаштирилган бўлиб, қурилиш-монтаж ишларининг сифати устидан қатъий назорат ўрнатилиши юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, Оқдарё туманида Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳига туташ ҳудудда барпо этилган ерости пидедалар йўлаги қўздан кечирилди. Мазкур ишоот пидедалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва қулайлик яратишда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.



Мутасаддилар ўрганиш жараёнида.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Раҳмонов, Самарқанд тумани ҳокими С. Усмонов ҳамда тегишли масъуллар иштирокида А-378 "Самарқанд – Қарши" автомобил йўли бўйида обodonлаштириш ишлари ҳам ўрганилди. Жараёнда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарахт экиш, инфратузилмани яхшилаш ишлари таҳлил қилинди. "Яшил макон" умумийлиги лойиҳаси доирасида сув насосларининг ҳолати кўриб чиқилиб, буш ҳудудларга манзарали дарахт кўчатларини экиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Умуман олганда, амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар ҳудудлар қиёфасини тубдан янгилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда замонавий инфратузилмани шакллантиришга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўз муҳбиримиз.

Янги объектлар барпо этилмоқда

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Нукус шаҳрида Инновацион технологиялар университети янги биносининг қурилиши бошланди.



Умумий қиймати 10 миллион долларлик ўқув мажмуасида 10 минг нафар талаба тахсил олиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 1000 ўринли талабалар ётоқхонаси, спорт зали ва махсус майдончалар, ўқув-лаборатория хоналари ҳам қурилиб, талаба-ёшлар учун барча қулайликлар яратилди.

Чимбой туманида "HD Sons" текстил корхонасининг очилишига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оринбаев иштирок этиб, йиғилганларни корхонанинг очилиши билан табриклади.



Умумий қиймати 15 миллион доллар бўлган корхона тўлиқ қувватда ишла тушиши билан 7 минг тонна хомашёни қайта ишлаш ва 4 минг тонна ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шунингдек, 6,5 миллион доллардан зиёд маҳсулотни экспорт қилиш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, туман аҳолиси, айниқса, ёшлар бандлиги таъминланади.



Қурилиш бозорида Сурхондарё маҳсулотлари

Сурхондарё вилоятида бунёдкорлик ишлари жадал давом этаётган бир жараёнда сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга эҳтиёж тобора ортмоқда. Бу масалада маҳаллий хомашё захираларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Айниқса, йирик лойиҳалар ҳамда инфратузилма объектларини энергиятежамкор, ўтда ёнмайдиغان, зангламайдиغان, юқори босимга чидамли базальт маҳсулоти билан таъминлаш тадбиркорларнинг диққат марказида турибди. Бу борада Термиз туманида фаолият олиб бораётган "Surkhon Sandwich" МЧЖ корхонасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Корхона раҳбари Фирдавс Қаюмовнинг айтишича, кейинги йилларда қад ростилаётган кўп қаватли уйларнинг фасадларига ўрнатилган базальт плиталари, зангламайдиغان арматура ҳамда қувурлар замонавий қурилишнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Вилоят ҳудудларида қурилиш бозори хомашё кўп, фақат уларни самарали қўллаш орқали сифатли материал ишлаб чиқариш мумкин. Ушбу эҳтиёждан келиб чиқиб, қиймати 26 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа бўйича йилга 30 минг тоннадан ортиқ базальт хомашёсини қайта ишлашга мослашган корхонада Хитойдан олиб келинган технология ўқуналар ўрнатилди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий ташкилотлардан ташқари, Тожикистон ва Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилинапти. Шунингдек, Туркменистон, Қозғистон ва Россия билан ҳам истикболли шартномалар тузилди. Хомашё масаласида му-

аммо йўқ. Олтинсой, Бандихон ҳамда Бойсун туманларидаги конларда маҳсулот етарли. Муҳими, замонавий технологиялар жорий этилгани тўғрисида ҳозирги кунда 200 нафар ёшларнинг доимий бандлиги таъминланди. Айни пайтда фаолиятни янада кенгайтириш бўйича яна бир лойиҳа тайёрланди ва экспертларга тақдим этилди. Янги лойиҳа йил охиригача ишга туширилса, 100 нафарга яқин иш ўрни яратилади.

Қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлардан яна бири, Денов туманида фаолият юритаётган "Inter Prof City Stroy" МЧЖдир. Корхона раҳбари Ахрор Холмуминов бироз аввал тош майдалаш ва саралаш заводини ишга туширган эди. Ҳозирги кунда мазкур корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 50-60 минг куб метрни ташкил этиб, у ички бозорга хомашё етказиш билан бирга четта ҳам экспорт ҳажминини кенгайтиряпти.

Корхона жамоаси вилоят ҳудудларидаги қурилиш тармоғини зарур материаллар билан таъминлаш бозорларида, маҳаллий аҳоли бандлигини ошириш, иқтисодий фаолликни кучайтириб, туманда даромад манбаини шакллантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Вилоятда бунёдкорлик соҳасига ихтисослашган корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани натижа-сида қурилиш бозори мустаҳкамланиб, иқтисодий жиҳатдан ўсиш ҳам кузатишмоқда.

Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисоби-га рақобат муҳитини яратиш, бозорларни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга сариосиёлик тадбиркорлар ҳам катта ҳисса қўшишмоқда. Хусусан, "Huazi Investment Co Ltd" МЧЖ Бўйрапушт маҳалласида жойлашган. Бу ерда бир неча турдаги пишиқ гишт ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ёрлиғи билан жойларга етказиб берилаётган гишт сифатли ва бошқаларга қараганда энгил, ҳар қандай босимга бардош бера олади. Йиллик қуввати 60 миллион донага тенг. Корхона раҳбарининг ҳаракати тўғрисида маҳалланинг 70 нафар ёшлари доимий иш билан таъминланди.

Қисқаси, сурхондарёлик тадбиркорлар имкониятлардан фойдаланиб, қурилиш бозорига ўз ўрнига эга бўлиш орқали юртимиз тараққи-ётига ҳам катта ҳисса қўшишмоқда.

Озиқ-овқат чиқиндилари йилнинг глобал масаласи

Бугунги кунда чиқиндиларни камайтириш, масъулиятли истеъмолни кенгайтириш ҳамда қайта ишлаш маданиятини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, озиқ-овқат чиқиндиларини камайтириш 2026 йилнинг глобал масаласига айланди.

Мазкур масала Тошкент шаҳри учун ҳам ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Хусусан, 2025 йилда пойтахтда жами 1,1 миллион тонна чиқинди йиғиб олинган. Шаҳарда ҳар куни 320 та махсус техника ёрдамида 3 минг тоннага яқин чиқинди йиғилиб, олиб чиқилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги чиқиндилар билан ишлаш масаласига фақат коммунал хизмат вазифаси сифатида эмас, балки экология, замонавий шаҳар бошқаруви ва фуқаролик мадания-тининг муҳим йўналиши сифатида қарайди. Шу мақсадда пойтахтда чиқиндиларни бошқариш жараёнларини рақамлаштириш бўйича "Тоза Пойтахт" тизими жорий этилган. Мазкур тизим орқали чиқинди ташувчи махсус техникалар ҳаракати, уларга бириктирилган ҳудудлар, давлат рақамлари ҳамда ҳар бир ҳудуд бўйича чиқинди олиб кетиш кунларини кузатиш имконияти яратилган.



Ҳудуд чиқиндилардан тозаланамоқда.

Шунингдек, xalqnazorati.uz платформаси орқали аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар қабул қилиниб, тўғридан тўғри масъулларга йўналтирилмоқда. Бу эса, мурожаатларни кўриб чиқиш сифатини ошириш, муаммоларни бартараф этиш муддатини қисқартириш ва тизимнинг очкилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Булардан ташқари, чиқиндиларни қайта ишлаш йўналишида ҳам амалий ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Янгиҳаёт туманидаги "Трофпакс" корхонасида ҳар ой қарийб 2,5 минг тонна қоғоз чиқиндиси қайта ишланмоқда. Шу билан бирга, пластик чиқиндиларни алоҳида йиғиш ва уларни қайта ишлаш самардорлигини оширишга қаратилган махсус лойиҳалар ҳам кўриб чиқилмоқда.

Бу борада назорат ва жавобгарлик масаласи ҳам доимий эътиборда. Хусусан, ўтган 2025 йилда ўтказилган рейдлар давомида пойтахтда чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 2 миллиард сўмдан ортиқ жарима кўлланилган.

Бугунги сана яна бир муҳим ҳақиқатни эслатади: чиқинди муаммоси фақат уни олиб чиқиш билан ҳал бўлмайди. Айниқса, 2026 йилги глобал мавзудан келиб чиқиб, озиқ-овқат исрофи-га йўл қўймаслик, саралаш маданиятини кенгайтириш, атроф-муҳит тозаллигига масъулият билан муносабатда бўлиш ва тизим ходимлари меҳнатини ҳурмат қилиш ҳар биримизнинг кундалик одатимизга айланиши лозим.

Ўз муҳбиримиз.

Автомобиль йўллари қўмитаси раҳбарияти диққатига!



▲ Жондор туманида жойлашган "Пўлоти" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги айрим ички йўлларнинг бугунги ҳолати.

Оромгоҳликлар қачон "ором" олади?

Бухоро вилоятининг Жондор туманида жойлашган "Пўлоти" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги айрим ички йўлларнинг бугунги ҳолати маҳаллий аҳоли ва ҳайдовчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Салкам 15 йил мобайнида аҳолининг норозилигига сабаб бўлиб келаётган бўлсада, бу йўл асфальт "юзини" кўрмаган. Бу қишлоқлар кўркига пугур етказмоқда.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Шунингдек, аҳолининг кундалик турмуш тарзида қатор ижтимоий қийинчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. "Пўлоти" МФЙдаги Оромгоҳ қишлоғининг салкам 1 километрик йўли зудлик билан таъмирланишга муҳтож. Мазкур йўл аҳолининг асосий қатнови бўлиб қолган. Маҳаллага қарашли деярли 15 та қишлоқ ҳамда қўшни Олот туманининг бир қанча аҳолиси айнан шу йўл орқали ўз манзилига қатнайди.

Машинаси борлар-ку, амаллаб фарзандини мактабга етказиб қўяр, аммо қолганлар, айниқса, ёгингарчилик кунлари уйдан чиқолмай қолишади, – деди шу маҳаллага яшовчи Гайбулла Бобоев. – Бу кетишда болаларимизнинг дарсларни ўзлаштириши, таълим сифати орда қолиши аниқ. Бизнинг ҳам ягона истагимиз йўлларимиз сифатли бўлсин фарзандларимизни хавотирсиз мактабга жўнатаялик. Равон йўлларда манзилимизга етиб олайлик. Ростини айтсам, бу йўлларнинг қачон охири марта тўзатиладигани эслай олмаيمан. Нафақат асосий йўл, балки қишлоқ ичкарисидаги кўчалар ҳам абгор ҳолатга келиб қолган. Бу борада бир неча марта мурожаат қилганмиз, лекин кутилган натижа бўлмади.



Қишлоқ аҳли учун йўл шунчаки ҳаракатланмиш воситаси эмас. Улар фарзандларининг мактабга бориши, саломатлигини тиклаши ва кундалик ҳаётининг сифатини белгиловчи муҳим омилдир. Қолаверса, йўлнинг яхшиланishi инсонлар ўртасидаги ижтимоий алоқаларини ҳам мустақкамлайди.

Оромгоҳ қишлоғининг бугунги манзараси ҳайдовчилар учун ҳам ҳақиқий синов майдонига айланган. Шу қишлоқда яшовчи ҳайдовчи Сардор Одиловнинг таъкидлашича, қишлоққа кириш ва чиқиш тирикчилик воситаси бўлган техникалар учун зарар, пиедалар учун эса қатта қийинчилик келтириб чиқармоқда.

Йўл ҳақида ҳайдовчи куюниб шундай деди: – Мен шу маҳаллада яшайман, баъзан мижозларни уйиғача олиб бораман, лекин кўпчилик ҳамкасбларим йўлнинг ҳолатини кўриб, ичкарига киришдан бош торттишади. Оқибатда одамлар ёзда чангга ботиб, қишда эса лой кечиб уйига етиб олишга мажбур бўлмоқда. Яқиндагина бир ўқувчи мактабга кетаётганда лой кўчада сирпаниб, муздек сувга тушиб кетгани ҳаммамизни ташвишга солди.

Бундай ҳолатлар ҳудудда тез-тез такрорланиши аҳолининг хавотирини анча кучайтириб қўйган. Йўл инфратузилмасининг ёмонлиги ҳайдовчи ва йўловчи ўртасидаги тушунмовчиликларга, аҳолининг қайфияти тушишига олиб келади. Айниқса, ёш болаларнинг соғлиги хавф остида қолаётгани масаланинг қанчалик жиддий эканини кўрсатади. Чанг ва кум тўзонлари эса ҳудуднинг яна бир оғриқли нуқтасидир. Бундай ҳаво аллақачон турли касалликлар ва аллергия муаммоларини пайдо қилган. Аҳолининг айтишича, ушбу касалликлар туфайли ёши катталар тез-тез даволаниб туришга мажбур бўлишмоқда.



▼ МФЙ аҳолиси.

Жондор шаҳри ва Занги қишлоғи йўналишида қатновчи такси ҳайдовчиси Рўзи Султоновнинг сўзларига кўра, машиналар қатнови кўми хавога кўтариб, атрофни нафас олиб бўлмас даражага келтиради. Қишлоқ аҳолиси чангдан чарчаганидан баъзан йўлларни тўсишга боришади. Деярли ҳар гал "машинани секин ҳайданглар", "Тезликни пасайтиринг, чангиб кетди", каби гапларни қайта-қайта эшитамиз. Бироқ тезликни пасайтириш ҳам муаммага ечим бўлмайди, чунки қўруқ тупроқ барибир, хавога кўтарилаверади. Бу ҳолат йўл ҳаракати қатнашчилари, йўл ёқасида яшовчи аҳолининг саломатлигига, тўзалнига ва кундалик тиңчилигига зиё етказмоқда. Одамлар ва ҳайдовчилар ўртасидаги бундай зиддиятлар йўлнинг сифат-

ли асфальт қилиниши билангина барҳам топиши мумкин. Энг ачинарлиси, инфратузилманинг носозлиги тиббий ёрдам кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Фуқаро Нигора Ҳалимованинг айтишича, уйга "Тез ёрдам" қақрилганда ҳам машиналар йўлнинг ёмонлигидан ичкарига кира олмади. Бу инсон ҳаёти хавф остида қолган дақиқаларда жуда қимматга тушиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг эса ўз келажаги ва ҳар кунги машаққати ҳақидаги ҳикояси ҳар қандай

қишини ўйга толдиради. Болажоннинг бегубор истаги аслида бутун қишлоқнинг орузсига айланган: "Онам мени тоза кийимда мактабга кузатадилар, лекин мен уйга чанг ва лойга ботиб қайтаман. Машиналар ўтганда лой сарчатади, ёмиғли кунларда йиқилиб тушишдан кўриб, ота-онамиз баъзан мактабга боришга руҳсат беришмайди. Биз ҳам ҳамма қатори яхши йўллардан мактабга боришни хоҳлаймиз".


Аҳоли йўлни тўзатиш учун бир неча бор мурожаат қилишми ва маҳалла оқоли аҳолига эътиборсиз эканлигидан шикоят қилишди. Бу ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида маҳалла раиси билан суҳбатлашди.

"Пўлоти" МФЙ раиси Эркин Гуломовнинг таъкидлашича, маҳаллада 6 та қишлоқ ва 10 мингдан ортиқ аҳоли бўлиб, Оромгоҳ қишлоғининг 1 километрик йўли вилоят ҳокимлигининг 2026 йилги дастурига киритилган. Вилоят депутати Жамол Ашуров билан бўлган суҳбатда таяниб, раис шу йилнинг сентябрь ва октябрь ойларигача йўллар асфальтлаштирилишини маълум қилди. Бу маълумотлар қишлоқ аҳли учун узоқ кутилган хушхабар бўлиши мумкин, бироқ ижронинг ўз вақтида таъмирланиши назоратни талаб этади. Маҳалла раисининг режалари ва депутатлик сўровлари натижаси тез орада амалда ўз ифодасини топишига умид қиламиз.

Масаланинг ечими бўйича Жондор тумани ҳокими Жамшид Худоев ҳам аниқ маълумотларни тақдим этди. Ҳокимнинг сўзларига кўра, Президент ташаббуси билан маҳаллий бюджетларга берилаётган қўшимча қиймат солиғи маблағлари тўғрисида инфратузилмага йўналтирилади.

– Жорий йилнинг 1 июлидан маҳаллий бюджетта маблағлар тушишини бошлайдими ва айнан шу ҳисобдан Оромгоҳ қишлоғи йўли таъмирланади, – дейди туман ҳокими. – Шунингдек, маҳалланинг 2 километр йўлини шағаллаштириш ҳам режамизга киритилган. Жондорда бу йил ижтимоий соҳа ва қурилиш ишлари учун 4 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Бу ваъдалар ва белгиланган муддатлар қишлоқ аҳолининг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларига ечим бўлиши лозим. Зеро, давлат томонидан берилаётган имкониятлар ва маҳаллий бюджетнинг мустақкамланиши энг аввало, халқнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилиши шарт. Биз бу мавзуга яна қайтмиз.



► Қишлоқ лой, ёзда чанг кўчалар.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Савдога "LOMBARD SVETLANA-KREDIT" МЧЖнинг 2025 йил 13 ноябрдаги 80-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шугуланувчи нотариал идоранинг 2026 йил 6 мартдаги ижро хатларига асосан ундуровга қаратилган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	3251	Браслет с бирюз. кам., пр. 750, о/в 5,55 гр., ч/в 3,15 гр.; серьги с зел. кам., пр. 585, о/в 6,03 гр., ч/в 4,54 гр.; ч/в 3,94 гр.; кольцо с гол.кам., пр. 585, о/в 1,90 гр., ч/в 1,60 гр.	9 781 447,45
2.	3518	Браслет погн., пр. 585, о/в 12,40 гр., ч/в 12,40 гр.; кольцо обруч., пр. 585, о/в 6,03 гр., ч/в 6,03 гр.; кольцо с желт. кам. погн., пр. 585, о/в 6,92 гр., ч/в 4,12	26 201 189,28
3.	3603	Кулон, пр. 585, о/в 3,75 гр., ч/в 3,75 гр.; кулон, пр. 585, о/в 1,52 гр., ч/в 1,52 гр.; серьга 1 шт., пр. 585, о/в 3,00 гр., ч/в 3,00 гр.; перстень, пр. 585, о/в 9,91 гр., ч/в 9,91 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 3,37 гр., ч/в 3,37 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 2,96 гр., ч/в 2,96	28 461 778,56
4.	3633	Серьги с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,85 гр., ч/в 2,82 гр.; цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 2,80 гр., ч/в 2,78 гр.	5 385 089,28
5.	3645	Кулон, пр. 585, о/в 1,52 гр., ч/в 1,52 гр.; серьги с бел. кам. и жемч., пр. 585, о/в 4,12 гр., ч/в 3,55 гр.; браслет штамп. погн. с мет. пруж., пр. 585, о/в 3,16 гр., ч/в 3,14 гр.; цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 2,56 гр., ч/в 2,54 гр.	12 644 098,80
6.	3651	Серьги погн., пр. 750, о/в 2,73 гр., ч/в 2,73 гр.; кольцо с бел. кам. слом. 2 кам. нет. погн., пр. 750, о/в 1,06 гр., ч/в 1,01 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 2,76 гр., ч/в 2,76 гр.	8 885 819,04
7.	3842	Кольцо, пр. 585, о/в 6,11 гр., ч/в 6,11 гр.; серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,32 гр., ч/в 3,12 гр.; браслет с метал. пруж., пр. 585, о/в 5,36 гр., ч/в 5,34 гр.; серьги с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,23 гр., ч/в 2,15 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 2,94 гр., ч/в 2,94 гр.; серьги с бел. кам. 1 кам. нет. пр. 585, о/в 3,11 гр., ч/в 2,58 гр.	21 675 595,84
8.	3967	Цепь с мет. пруж. 1-го звен. слом., пр. 585, о/в 5,04 гр., ч/в 5,02 гр.; кольцо погн., пр. 585, о/в 1,32 гр., ч/в 1,32 гр.; цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 2,11, ч/в 2,09 гр.; кулон, пр. 585, о/в 1,12 гр., ч/в 1,12 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,05, ч/в 1,71 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 1,33, ч/в 0,96 гр.; серьги с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 3,45 гр., ч/в 2,77 гр.; серьги с гол. кам., пр. 585, о/в 4,01 гр., ч/в 3,51 гр.; кольцо с гол. кам., пр. 585, о/в 2,75 гр., ч/в 2,50 гр.; кольцо погн., пр. 585, о/в 2,32 гр., ч/в 2,32; кольцо обруч., пр. 585, о/в 2,20 гр., ч/в 2,20 гр.	28 175 426,76
9.	3976	Цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 18,65 гр., ч/в 18,63 гр.	21 654 029,76
10.	4220	Браслет с метал. пруж., пр. 585, о/в 3,02 гр., ч/в 3,00 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,95 гр., ч/в 1,70 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,70 гр., ч/в 1,55 гр.	7 400 039,28
11.	4315	Серьги погн., пр. 585, о/в 5,19 гр., ч/в 5,19 гр.	6 277 859,52
12.	4318	Кольцо с бел. и зел. кам., пр. 585, о/в 3,19 гр., ч/в 2,89 гр.; кольцо погн., пр. 585, о/в 1,99 гр., ч/в 1,99 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 3,02 гр., ч/в 2,72 гр.; кольцо погн., пр. 585, о/в 1,66 гр., ч/в 1,66 гр.; кольцо погн., пр. 585, о/в 1,76 гр., ч/в 1,76 гр.	12 750 148,80
13.	4330	Цепь с метал. пруж., пр. 750, о/в 4,45 гр., ч/в 4,43 гр.; кольцо погн., пр. 585, о/в 4,60 гр., ч/в 4,60 гр.; кольцо погн., пр. 585, о/в 2,35 гр., ч/в 2,35 гр.; кольцо погн. фрагм. нет. пр. 585, о/в 2,01 гр., ч/в 2,01 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 5,65 гр., ч/в 5,48 гр.; серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,31 гр., ч/в 2,91 гр.; серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 5,25 гр., ч/в 4,40 гр.	31 540 467,84
14.	4507	Цепь с метал. пруж., пр. 585, о/в 13,39 гр., ч/в 13,19 гр.	15 806 129,76
15.	4634	Браслет с мет. пруж., пр. 585, пр.о/в 3,84 гр., ч/в 3,64 гр.; серьги с кр. кам., пр. 585, о/в 3,34 гр., ч/в 2,76 гр.; серьги, пр. 585, о/в 3,69 гр., ч/в 3,69 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 4,20 гр., ч/в 4,05 гр.; кольцо, пр. 375, о/в 2,09 гр., ч/в 2,09 гр.	18 479 008,32
16.	4734	Серьги с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 1,23 гр., ч/в 0,93 гр.; кольцо обруч. погн., пр. 585, о/в 1,34 гр., ч/в 1,34 гр.; серьги, пр. 585, о/в 2,05 гр., ч/в 2,05 гр.; серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 2,63 гр., ч/в 2,29 гр.; серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 2,24 гр., ч/в 2,14 гр.	10 285 017,84
17.	4737	Цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 5,00 гр., ч/в 4,98 гр.; кулон крестик., пр. 585, о/в 3,13 гр., ч/в 3,13 гр.; кулон, пр. 585, о/в 2,02 гр., ч/в 2,02 гр.	12 354 089,28
Жами бошланғич баҳоси			277 757 235,41

Аукцион савдолари 2026 йил 7 май куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2026 йил 5 май куни соат 18:00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Қоридаги заргарлик буюмлари 2026 йил 7 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 21 май, 4 июнь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати бир иш кун аввал соат 16:00 гача.

Савдо гоилибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиши, мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 0121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улукбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А' уй.

Телефон: (71) 237-23-96.
Расмий веб сайт: www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

"Дон-халқ ризқи" АЖ

акциядорлари диққатига!

Жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан жамиятнинг 2025 йил якуни муносабати билан ўқазиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2026 йил 29 апрель куни соат 11:00 дан бошлаб жамият мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгашининг 2025 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2025 йил молия-ҳужалик фаолияти якунлари тўғрисида бошқарув раиси ҳисоботи.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори ижроси тўғрисида бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг йиллик бухгалтерия ба-ланси, молиявий натижалари, даромад ва харажатлар ҳисобини тасдиқлаш ҳамда жамият томонидан 2025 йил якуни билан олинган соф фойда тақсимоти ва бир донда акцияга ҳисоб-ланадиган дивиденд миқдорини белгилаш.

6. Жамият бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.

7. Жамият ижро органи номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.

9. 2025 йил молия-ҳужалик фаолияти бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини тасдиқлаш.

10. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

11. 2026 йил учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Жамият манзили: Шахрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 111-а' уй.

Мурожаат учун телефон: (75) 522-02-69, 522-69-73.

Темурийлар салтанати қудратининг дизайндаги ифодаси

Тарих саҳифаларида Амир Темури номи кўпинча забардаст саркарда ва давлат арбоби сифатида тилга олинади. Бироқ унинг сиймосида яна бир муҳим жиҳат – бунёдкорлик ва меъморий тафаккур мужассам.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Темури салтанатни фақат қурол кучи билан эмас, балки шаҳарлар, обидалар ва муаззам меъморий мажмуалар орқали ҳам барпо этди. Айнан шу жиҳат унинг сиёсий қарашларида "куч – тартибда, тартиб эса маконда" деган фалсафий ёндашув борлигини кўрсатади.

Амир Темури даврида меъморчилик оддий қурилиш эмас, балки давлат идеологиясининг ажралмас қисмига айланган. У ўз пойтахти сифатида Самарқандни танлаб, уни "дунёнинг маркази"га айлантиришни мақсад қилди. Бу эса, меъморий дизайнда кенг қўлланма режалаштириш, монументал композиция ва симметрияга асосланган янги босқични бошлаб берди.

Темури томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари тасодифий эмас эди. Хар бир иншоот, жумладан, масжид, мадраса, мақбара ёки сарой – ўзига хос гоё ва рамзий маънога эга бўлган. Меъморий дизайн орқали салтанатнинг қудрати, исломий қадриятлар ва илм-фан ривожига бўлган эътибор ифодаланган.

Монументализм – дизайндаги асосий тамойиллар

Темурийлар даври меъморчилигининг энг муҳим хусусиятидан бири бу – монументализмдир. Буни Биҳоним масжиди мисолида яққол кўриш мумкин.

Ушбу масжид ўз даврида нафақат диний марказ, балки архитектура имкониятларининг чўққиси бўлган. Улкан пештоқ, баланд гўмбаз ва кенг ҳовли – буларнинг барчаси инсон тафаккурига таъсир этувчи визуал драматизм яратди. Шунингдек, Гўри Амир мақбараси Темурийлар меъморчилигининг нафислик ва уйғунликка асосланган юксак намунаси ҳисобланади. Бу ерда геометрик нақшлар, ранглар мувозанати ва композицион аниқлик дизайннинг мукамал даражада ишланганини кўрсатади. Айниқса, кўк ва олтин рангларнинг уйғунлиги осмон ва абадийлик тимсоли сифатида талқин қилинади.

Шаҳарсозлик – макон фалсафаси

Амир Темури фақат алоҳида бинолар эмас, балки бутун бошли шаҳарларни қайта лойихалашга эътибор қаратган. Самарқанднинг марказий кўчалари кенгайтирилиб, савдо расталари, боғлар ва карвонсаройлар билан бойитилган. Бу эса, шаҳарни нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва маданий марказга айлантирди.

Темурийлар даври шаҳарсозлигида марказий ўқ (ахис) ва симметрик жойлашув муҳим рол ўйнаган. Бу тамойил кейинчалик Регистон майдони ансамблида ўзининг мукамал ифодасини топди. Гарчи у кейинги темурийлар даврида яқунланган бўлса ҳам. Бу ерда уч мадраса бир-бирига нисбатан мувозанатли жойлаштирилган бўлиб, маконнинг эстетик ва функционал уйғунлигини таъминлайди.

Ушбу замон меъморчилигини дизайн нуқтаи назаридан таҳлил қилганда, унинг энг кучли жиҳати – деталга бўлган эътибор эканлигини кўради. Кошинкорлик, гирих нақшлари, арабий ёзувлар ва муқарнас элементлари нафақат безак, балки семантик юккамага эга. Масалан, пештоқлардаги Қўрьон оятлари бинонинг диний аҳамиятини таъкидласа, мураккаб геометрик нақшлар чексизлик ва илоҳий тартибни ифодалайди. Бу эса, дизайнни шунчаки эстетик восита эмас, балки маънавий коммуникация шаклига айлантиради.




Глобал таъсир ва маданий мерос

Амир Темури даврида яратилган меъморий услуб кейинчалик бутун Марказий Осиё, Эрон ва Ҳиндистон худудларига тарқалди. Айниқса, Бобурийлар давридаги меъморчиликда, масалан, Тож Маҳал қурилишида ҳам Темурийлар даври дизайн анъаналари давом эттирилганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда ҳам бу меъморчилик нафақат тарихий мерос, балки замонавий дизайнерлар учун илҳом манбаи ҳисобланади. Унинг асосий тамойиллари бўлган симметрия, ранг уйғунлиги ва монументал ифода – бугунги архитектура ва урбанистикада ҳам долзарбдир.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темури бунёдкорлиги бу шунчаки тарихий обидалар мажмуи эмас, балки чуқур ўйланган меъморий стратегия ва дизайн фалсафасидир. У орқали Темури ўз дав-

рининг сиёсий, диний ва маданий гоёларини макон ва шакл орқали ифода эта олди. Натигада эса, унинг мероси бугунги кунда ҳам нафақат тарихчилар, балки дизайнерлар ва меъморлар учун бебаҳо тажриба мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис, соҳибқирон Амир Темурининг "Агар қимда-ким бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган биноларга боқсин" деган жумласи бугунги кунда ҳам ўз ифодасини йўқотмай келмоқда.



Бунёдкорликда тенги йўқ Саркарда

XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳр сиёсий майдонига Кеш шаҳридан кириб келган Темури ўзининг бутун сиёсий куч-ғайратини ҳаммадан олдин Самарқандни қўлга киритишга қаратди. У шухрати оламга кетган ана шу шаҳарни эгаллагандагина кучли ва улкан давлат бунёд этишни ҳис қилган.

Ҳонқул САМАРОВ,
Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори,
Самарқанддаги Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси директори.

Ҳақиқатдан ҳам, Самарқандни босиб олиб, уни бунёд этилаётган давлатнинг пойтахти этиб тайинлангандан сўнг Темурининг янги улкалардаги ғалабалари тезлик ва ҳайратланарли муваффақиятлар билан олға силжиди. Қарийб ўттиз йил давомида у Руссия чегараларига-ча бўлган Шарқ ва Шимол томондаги кўпгина ерларни ўз тасарруфига киритди. Ана шундай сурият ва муваффақиятлар билан у ўттиз йил давомида Самарқандни Шарқдаги энг чиройли ва бой шаҳарлардан бирига, овозаси оламга кетган ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Самарқанд мўғул вайронгарчиликларидан сўнг йирик сиёсий ва иқтисодий, маданий ва маърифий марказга айланганининг ўзи бир мўъжиза эди. Бу ишда Темурининг донолиги, тадбиркорлиги, ташкилотчилик қобилияти, қудрати муҳим рол ўйнаган.

Амир Темури йиққан барча бойликларини Мовароуннаҳрдаги шаҳарларда, Самарқанд-

да чиройли ва кўркам қаср ва саройлар қуриш учун сарф қилди. Унинг тириклик пайтида Чин-ниҳона, Бўстонсарой, Кўксарой, Жомеъ масжиди ва машҳур Биҳоним мадрасаси, Қусам ибн Аббос мақбараси, унинг атрофидаги қабристон ва масжид-мадрасалар бунёд этилди. Темури Самарқанд ва унинг атрофида улкан ва шукўхли боғлар яратишга бошчилик қилди. Ҳозир ҳам бир нечта чиройли ва кўркам боғлар Темури замонидаги номлар билан машҳурдир. Жумладан, Боғи Баланд, Боғи Шамол, Боғи Зоғон, Боғи Майдон Темури замонидаги боғлар бўлган. Самарқанддаги яна бир боғ Боғи Шимол номи билан аталган. У шаҳар ичида жойлашган бўлиб, XX асрнинг охиридаги шаҳар туманларидан бири шу ном билан аталган. Боғи Шамол ўша Темури асос солган боғлардан биридир.

Темури даврида мавжуд бўлган Самарқанднинг кўхна шаҳри Афросиёб ҳозир ҳам ҳароб ва тупроқ уюмларидан иборат жой бўлиб, одамлар унинг ўрнида бир вақтлар шаҳар борлигини эсдан чиқарганди. Бизнингча, ҳозирги "эски шаҳар"нинг чизмаси Темури замонида кўрсатмаси билан юзага келган. Шунинг учун ҳам, шаҳарнинг ўз номини йўқотган бу қисми ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан авайлаб-асралмоқда. Темури ўша пайтда шаҳарни янги деворлар билан ўраб олди ва олти дарвоза орқали одамлар ҳамда карвонларнинг кирди-чикдисини йўлга қўйди. Шаҳарнинг бу олти дарвозаси XIX асрнинг иккинчи ярмига-ча бор бўлиб, у шаҳарни ажнабийлар ҳужумидан сақлаган. Барча дарвозаларнинг номлари XIX асрда ўзгарди, лекин уларнинг жойлари Темури замонасидек эди.

Самарқанд номи фақатгина Шарқда эмас, балки Оврўпода ҳам машҳур бўлган. Шарқ мамлакатларининг элчиларидан ташқари, саёхатчилар ва турли-туман кишилар ҳам бу шаҳарни кўриш ва ўрганиш учун келиб, унинг дилрабо хусни, чиройи ва гўзаллиги, кўркам ва ободлиги тўғрисида самимий муҳаббат билан ёзганлар.



Тахрир хайъати:
Шерзод Ҳидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Тулаганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махмамов
Муҳаррир – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги.
"ЎЗАШКЛИТИ" МЧЖ.
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ.
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ.
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюртма – Г- 441. 1336 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 22.20.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 7-9 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Жаҳонгир Яндашев**, Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Абдулхай Асқаров**, "Коммуналлоийиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассиси **Антон Вергунов**, лойиҳа бош муҳандиси **Авазбек Файзиев**, етакчи муҳандис **Сарвар Садуллаев**, "Узоғирсанотлоийиҳа" АЖ лойиҳа бош архитектори **Нусрат Музаффаров**, БГИ техниги **Дилшод Абдурахмонов**,

"O'zshaharsozlik LIT" ДМ "Хоразм" филиали лойиҳа бош архитектори **Умрбек Рўзметов**, Қашқадарё вилояти Косон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Тимур Примов**, "Иссиқлик таъминоти" АЖ "Андижон" вилояти филиали референти **Жўрабек Иминохон**, фаррош **Муҳайё Қодирова**, юк автомобили ҳайдовчиси **Лочинбек Мирзааҳмедов**, "Бухоро" вилояти филиали бош ҳисобчиси **Шаҳризад Жамолов**, қозонхона оператори **Исмаил Шоев**,

"Самарқанд" вилояти филиали Иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатувчи чилангар **Рофе Усманов**, Тошкент вилояти "Ангрен" тумани филиали ижро интизоми мутахассиси **Умида Жўраева**, "Чирчиқ" шаҳар филиали А/Т чилангари **Хусниддин Аловиддин**, кранчи **Джанибек Кенжаев**, Зангиота тумани филиали қозонхона устаси **Ҳамид Иманбаев**, Андижон вилояти Асака туманидаги "Асака хусусий уйлар" БСК МЧЖ бош директори **Ҳаётбек Сиддиқов**, Қашқадарё вилояти Косон

туманидаги "Косон Навбахор Бошқарув Сервис" МЧЖ бош директори **Аббос Муродиллаев**, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Maxmudjon Muxtorov Servis Partners" БСК МЧЖ бош директори **Феруза Махмурасуловларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!